

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2019 йил январь ойининг 17 куни жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти, Қувасой шаҳар суди, Қувасой шаҳар “Амир Темур” маҳалла фуқаролар йиғини биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи С.Юлдашев, судья ёрдамчиси И.Тўхтауновнинг котиблигида, тарафлардан Қувасой шаҳар прокурорининг ёрдамчиси А.Матмусаев, судланувчи Х.Акбаровнинг иштирокида, Акбаров Хайрулло Холматжоновичга нисбатан 1-1505-1801/115-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш хужжатларига кўра:

Акбаров Хайрулло Холматжонович (Akbarov Hayrullo Holmatjonovich), 1979 йил 16 апрель куни Қувасой шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали, 3 нафар фарзанди бор, маълумоти ўрта, муқаддам судланмаган, “Нуриддин Холмат ўғли” фермер хўжалиги раҳбари, Қувасой шаҳар, “Боғбон” м.ф.й., Янгиер қишлоғи Хикмат кўчаси, 28-уйда яшайди, иш бўйича 2018 йил 20 ноябрь куни гаров эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2018 йил 26 ноябрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми, 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувини тинглаб, жиноят иши хужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далиларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Х.Акбаров 2017 йил декабрь ойларида ўзи раҳбарлик қилиб келаётган “Нуриддин Холмат ўғли” фермер хўжалиги майдонида бўлган ёввойи наша ўсимликлари уруғларидан териб олиб, келгусида уларни ўтказиш мақсадини кўзламасдан, ўзи истеъмол қилиш мақсадида яшаш уйи томорқаси четига экиб, бирга яшовчи турмуш ўртоғи ва ота-онасидан яшириб, бир ўзи парваришлаб келиб, 2018 йил сентябрь ойларида ушбу парваришлаб келаётган наша гиёҳванд ўсимлиги баргларида териб олиб, уларни қуритиб, икки дона 3 литр ҳажмдаги шиша банкаларга жойлаб, соф оғирлиги 437 грамм бўлган “Марихуан” гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзламай, келгусида ўзи истеъмол қилиш мақсадида яшаш уйидаги бетон ғиштлар орасига яшириб, 2018 йил 13 октябрь кунига қадар сақлаб келган.

2018 йил 13 октябрь куни соат 12⁰⁰ларда вилоят Божхона бошқармаси Контрабанда ва БҚБга қарши курашиш бўлими ва вилоят ДХХ ҳамда Қувасой шаҳар ИИБ ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тадбир

давомида Х.Акбаровни яшаш уйи бўлган Қувасой шаҳар, “Боғбон” м.ф.й., Янгиер кишлоғи, Хикмат кўчаси, 28-уйи холислар иштирокида кўздан кечирилганида, хонадонга киришда томорқа охиридаги бетон ғиштлар орасида 2 дона ҳар бири 3 литр ҳажмли шиша банкаларга солинган ҳолдаги соф оғирлиги 437 грамм бўлган “Марихуан” гиёҳвандлик воситалари борлиги аниқланиб, ашёвий далил тариқасида олинган.

Ўтказилган судга оид кимёвий экспертизасининг 2018 йил 17 октябрь кунги 613-сонли хулосасига кўра, Х.Акбаровдан олинган 2 дона 3 литр ҳажмдаги шиша банкалар ичига жойланган ашёвий далил тариқасида олинган яшил рангли, қуритилган ҳолдаги ўзига хос ҳидга эга бўлган моддалар таркибида фаол гиёҳванд модда-тетрагидроканнабинол мавжуд бўлиб, бу “Марихуан” деб аталиши ва унинг соф оғирлиги 437 грамм эканлиги аниқланган.

Ўтказилган судга оид наркалогик экспертизасининг 2018 йил 17 ноябрь кунги 289-сонли хулосасига кўра, Х.Акбаров “гашишли” (наша) гиёҳвандлик касаллиги билан оғришлиги ва гиёҳвандлик касаллигидан мажбурий даволанишга муҳтожлиги кўрсатилган.

Судланувчи Х.Акбаров суд мажлисида, айбига тўлиқ иқроп бўлиб, 2017 йил август ойларида ўзига қарашли Янги ер маҳалласида жойлашган “Нуриддин Холмат ўғли” фермер хўжалиги ерларида молларини ўтлатиб юрган вақтида, ариқ четларида ёввойи наша ўсимликларини қуриган ҳолатда турганлигини кўргани, сўнг унинг баргларида териб олиб, елим идишни тагини кесиб олиб, ялтироқ қоғозни унинг оғзига солиб, гугурт ёқиб, чекиб кўргани, наша ўсимлиги уни сал ширакайф қилгач, 2017 йил декабрь ойларига қадар боққа келиб, ёввойи наша баргларини териб олиб, бир ўзи худди шу тарзда истеъмол қилиб келгани, сўнг 2017 йил декабрь ойларида келгусида уйдаги томорқада экиб, парваришлаб, ўзи истеъмол қилиш мақсадида ушбу ёввойи наша ўсимликларининг уруғларидан териб олиб, уларни яшаш уйига олиб келгани ва бирга яшовчи ота-онаси, турмуш ўртоғи ва фарзандларига сездирмасдан июнь ойларида ушбу икки туп наша ўсимлигидан бир тупи гуллаб, истеъмолга яроқсиз бўлганлиги учун уни юлиб ташлаб, ариққа оқизиб юборгани, қолган бир туп наша ўсимлигини эса 2018 йил сентябрь ойларига қадар бир ўзи парваришлаб келгани, 2018 йил сентябрь ойларида ушбу бир туп наша ўсимлиги пишиб етилгач, уни ердан суғуриб олиб, 15 кун офтобда қуритгани, сўнг уларни уруғи билан баргини танасидан сидириб олиб, келгусида уларни бир ўзи истеъмол қилиши учун икки дона 3 литрли банкаларга жойлаб, ота-онаси ва турмуш ўртоғидан яшириб, яшаш уйдаги бетон ғиштларни ичига яшириб қўйгани, сўнг 2018 йил 16 октябрь кунига қадар уйдагиларга сездирмасдан ушбу банкаларга жойлаб қўйган наша барглари ва уруғларидан маълум қисмини олиб, уларни уйи орқа томонидаги боққа олиб бориб, бир ўзи истеъмол қилиб келгани, 2018 йил 17 октябрь кuni соат 12⁰⁰ларда уйда бўлган вақтида, унга нотаниш бўлган фуқаролик кийимидаги йигитлар келишиб, ўзларини ҳуқуқ тартибот органларидан эканлигини айтишиб, яшаш уйда ноқонуний сақлаб келаётган бирор бир

нарсаси бўлса ўз ихтиёри билан тақдим этишини сўрашгани, аввалига кўриб кетганидан уларга уйда ҳеч қандай ноқонуний нарсалар йўқлигини айтгани, шунда ҳуқуқ тартибот органлари уни гапларига ишонмасдан агар ноқонуний нарсалар бўлса, уларни ўз ихтиёри билан тақдим қилса, унга нисбатан қонуний енгиллик бўлишини айтганида, у уйдаги шлакаблоклар орасида турган икки дона 3 литрли банкалардаги наша ўсимликларини олиб бергани, улар икки нафар холислар иштирокида уни уйини кўздан кечиришиб, ичида наша ўсимликлари бўлган икки дона 3 литрли банкаларни тегишли тартибда ҳужжатлаштириб олишгани, у содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, суддан енгиллик сўраб кўрсатув берди.

Гувоҳ Н.Умаров суд мажлисида, 2018 йил 17 октябрь куни соат 11-30ларда ишхонаси яқинидаги Божхона ТИФ пости олдида ўтиб кетаётган вақтида, божхона ходими уни бир ишда холис бўлиб иштирок этиб беришини сўраб, холисининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиргани, у божхона ходимининг таклифига рози бўлганидан сўнг, божхона ходими унга нотаниш бўлган яна бир кишини ҳам холис сифатида ушбу ишда қатнашаётганлигини билдириб, кинолог ва яна бир холис билан бирга суриштирув вақтида билгани Қувасой шаҳар Янгиер қишлоғига келгани, у ерда уларни 4 нафар ҳуқуқ-тартибот органлари кутиб тургани, орадан бироз вақт ўтиб фуқаролик кийимида Қувасой шаҳар ИИБ ходимлари ҳам келгани, сўнг улар суриштирув вақтида билгани Хикмат кўчаси 28-уйга келишгани, уй эгаси Х.Акбаров уйда чиққач, ходимлари ўзларини таништиришиб, агар яшаш уйда наркотик моддалар бўлса ихтиёри билан тақдим қилишини сўрашгани, лекин Х.Акбаров уйда бундай ноқонуний нарсалар йўқлигини айтгач, улар билан бирга ушбу уйга келган кинолог ити билан уй ичини айланиб юргани, шунда кинолог ити уй ичидаги бетон ғиштлар турган жойда айланиб қолгач, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари ушбу бетон ғиштлар олдида келиб, уни ичини қараганида, бетон ғиштлар ичида қуритилган ҳолатдаги икки дона 3 литрли ҳажмдаги идишда наша гиёҳванд моддаси ўсимлиги турганлигини кўргани, сўнг улар хонадонни кўздан кечириб, ушбу банкалардаги наша гиёҳванд моддаси ўсимлигини олиш тўғрисидаги баённомалар тузишгач, улар баённомалар билан танишиб чиқиб, уларни тўғри тузилганлигини тасдиқлаб имзолаб беришгани, шундан сўнг ушбу ходимлари Х.Акбаров ва уларни Фарғона вилояти ИИБга олиб келгач, у ердаги бешинчи қаватда жойлашган лаборатория хонасига чиқишиб, у ердаги бир ходим улар олиб келган наша гиёҳванд моддасини тарозида тортиб кўрганида, уларнинг жами оғирлиги 437 грамм эканлиги аниқлангани, шунда сўнг улар ушбу наша гиёҳванд моддасини тортиш юзасидан тузилган баённомани тасдиқлаб, бўлган ҳолат ҳақида тушунтириш хати ёзиб беришганини билдириб кўрсатув берди.

Суд давлат айбловчисининг хулосасини, судланувчи Х.Акбаров ва гувоҳ Н.Умаровларнинг кўрсатувларини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, Х.Акбаровнинг жиноят содир этганликдаги айби, унинг айбига иқроор бўлиб берган кўрсатувидан ташқари, гувоҳ Н.Умаровнинг суд

мажлисида берган кўрсатуви, шунингдек, билдирги (и.в.2-3), хонадонни кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар (и.в.6-7), ашёвий далилни олиш тўғрисидаги баённома ва унга илова қилинган фотосуратлар (и.в.8-9), далилий ашёни тортиб олиш баённомаси (и.в.16), судга оид кимёвий экспертизасининг 2018 йил 17 октябрь кунги 613-сонли, Х.Акбаровдан олинган 2 дона 3 литр ҳажмдаги шиша банкалар ичига жойланган ашёвий далил тариқасида олинган яшил рангли, қуритилган ҳолдаги ўзига хос ҳидга эга бўлган моддалар таркибида фаол гиёҳванд модда-тетрагидроканнабинол мавжуд бўлиб, бу “Марихуан” деб аталиши ва унинг соф оғирлиги 437 грамм эканлиги ҳақидаги хулосаси ва унга илова қилинган фотосуратлар (и.в.17-20), тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари ҳамда ишдаги мавжуд бошқа далиллар билан тўлиқ ўз тасдиғини топган деб ҳисоблайди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Х.Акбаровнинг жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми, 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги 12-сонли “Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 6-бандида, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда сақлаш деганда, шахснинг бундай восита ва моддаларга қонунга зид равишда эгалик қилиш (шу жумладан шахсан истеъмоли) билан боғлиқ қасддан содир этилган ҳаракатлари (ёнида, бинода, махфий ер ва бошқа жойларда сақлаши) тушунилиши лозимлиги, бунда шахс қанча вақт давомида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда сақлаганлиги аҳамият касб этмаслиги;

Қарорнинг 13-бандида, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш деганда, қонунчиликни бузган ҳолда таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликлардан, доривор, кимёвий ва бошқа моддалардан фойдаланиш ёки истеъмол қилишга тайёр бир ёки бир неча гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар олиниши тушунилиши;

Қарорнинг 16-бандида, таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни қонунга хилоф равишда етиштириш деганда, қонунчиликни бузган ҳолда бундай ўсимликларни экиш ва етиштириш учун махсус шароит яратиш, шунингдек, уларни экиш ва етиштириш, етиштириш технологиясини такомиллаштириш, янги навларини яратиш, ҳосилдорлигини ва мавжуд иқлим шароитига чидамлилигини ошириш фаолиятини тушуниш лозимлиги кўрсатилган.

Жиноят иши ҳужжатларидан ва судда аниқланган ҳолатларга кўра, судланувчи Х.Акбаров ўзи раҳбарлик қилиб келаётган “Нуриддин Холмат ўғли” фермер хўжалиги майдонида бўлган ёввойи наша ўсимликлари уруғларидан териб олиб, келгусида уларни ўтказиш мақсадини кўзламасдан,

Ўзи истеъмол қилиш мақсадида яшаш уйи томорқаси четига экиб, парваришлаб келиб, ушбу парваришлаб келаётган наша гиёҳванд ўсимлиги баргларида териб олиб, уларни қуритиб, икки дона 3 литр ҳажмдаги шиша банкаларга жойлаб, соф оғирлиги 437 грамм бўлган “Марихуана” гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзламай, келгусида ўзи истеъмол қилиш мақсадида яшаш уйида қонунга ҳилоф равишда сақлаб келиб, жиноят содир этган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 1-бандидаги жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиниши лозимлиги, 3-бандидаги жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятни хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи Х.Акбаровга жазо тайинлашда, юқоридаги Пленум қарорлари талабларига амал қилган ҳолда, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини, унинг шахсини, соғлигининг аҳволини, оилавий шароитини, қармоғида 3 нафар вояга етмаган фарзандлари бўлиб, оилада ягона боқувчи эканлигини, жиноятни содир этишнинг мотив ва мақсадини, яшаш жойидан ижобий таъсирланишини, муқаддам судланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида эътиборга олиб, шунингдек, юқоридаги ҳолатларни содир этилган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, модда санкциясида назарда тутилмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим топди.

Суд, судланувчи Х.Акбаров суд-наркология экспертизасининг 2018 йил 17 ноябрдаги 289-сонли даволатномасига кўра, гиёҳвандлик касаллиги билан касаллангани ва ушбу касалликдан даволанишга муҳтожлигини инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасига асосан гиёҳвандликка қарши тиббий йўсиндаги мажбурий даволашни белгилашни лозим деб топди.

Шунингдек суд, суд-кимёвий экспертизасининг 2018 йил 17 октябрь кунги 613-сонли хулосасига кўра, олинган гиёҳвандлик воситаларидан 1 грамм “Марихуанна” гиёҳвандлик воситаси тадқиқотлар жараёнида сарф этилганини инобатга олиб, қайтарилган 436 грамм “Марихуанна” гиёҳвандлик воситаларини йўқ қилишни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462-463, 465-468 ва 471-473 моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И :

Акбаров Хайрулло Холматжонович (Akbarov Hayrullo Holmatjonovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг ЖКнинг 270-моддаси

1-қисми, 276-моддаси 2-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин.

Акбаров Хайрулло Холматжоновичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда билан 1 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Акбаров Хайрулло Холматжоновичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда билан 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Акбаров Хайрулло Холматжоновичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 2-қисми тартибида тайинланган енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш йўли билан узил-кесил ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда билан 3 (уч) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазони ўз иш жойида ўташи белгилансин.

Жазони ўташ муддати маҳкумнинг иш жойи маъмурияти жазоларни ижро этиш инспекциясидан хабарнома олган кундан ҳисоблансин.

Жазони ўташни назорат қилиш Фарғона вилояти, Қувасой шаҳар ИИБ ахлоқ тузатиш инспекцияси зиммасига юклатилсин.

Акбаров Хайрулло Холматжоновичга нисбатан қўлланган эҳтиёт чораси гаров, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин ва Фарғона вилоят ИИБнинг “Ипотекабанк”даги 20203000000194064001-сонли депозит ҳисоб рақамига қўйилган 6.081.900 (олти миллион саксон бир минг тўққиз юз) сўм гаров пули гаров қўювчи Акбаров Хайрулло Холматжоновичга қайтарилсин.

Акбаров Хайрулло Холматжоновичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасига асосан гиёҳвандликка қарши тиббий йўсиндаги мажбурий даволаш белгилансин.

Ашёвий далил сифатида эътироф этилиб, Ўзбекистон Республикаси ДХХ Фарғона вилоят бошқармасининг “ашёвий далилларни сақлаш хонаси”да сақланаётган 436 грамм “Марихуанна” гиёҳвандлик воситалари йўқ қилинсин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, маҳкум ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида, апелляция тартибида жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди апелляция инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдириши, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди кассация инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи:

С.Юлдашев